Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 12-iyun. Seshanba ● 71-72 (31.504) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Қарор ва ижро

## ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

**2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, олий таълим муассасалари ректорлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқлари қатнашди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2012 йил 4 июндаги «Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси ва республика олий таълим муассасаларига қабулни ташкил этиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва тавсияномага эга абитуриентларга бериладиган имтиёз жами тўплаш мумкин бўлган баллнинг 25 фоизидан 27 фоизига кўпайтирилганлиги таъкидланди. Айни пайтда ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган абитуриентларни ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилиш борасидаги имтиёз бекор қилинди. Мазкур тоифадаги абитуриентлар барча қатори танловда иштирок этиши ҳамда тўплаган балига имтиёз бали қўшилганда ўтиш балидан юқори бўлсагина ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Керакли балл тўплай олмаган абитуриентлар шу тўплаган бали билан кириш имтиҳонидаги фанлар блокларига мос бўлган ва ўтиш бали бундан паст бўлган йўналиш бўйича Давлат комиссияси қарори билан аризасида кўрсатилган бошқа олий таълим муассасасига ўтиб ўқиш имконияти яратилганлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг номи қайд этилган 2012 йил 4 июндаги қарорининг ижросини сўзсиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур қарорга асосан янги ташкил этилган институтда маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий усуллари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори ижросини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йил республика умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 560 минг 345 нафар ўқувчи тугатади. Шундан келиб чиқиб, 2012/2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга реал эҳтиёжини қоплаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг касблар бўйича қабул параметрлари Давлат комиссияси мажлисида тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорларида белгиланган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнларининг ўрнатилган тартибда адолатли ўтишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА**





ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа







## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатлами, жумладан, электорат вакилларига тушунтириб бориш, кам таъминланган кишиларни аниқ ва мақсадли йўналтирилган манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга лаёқатли фуқароларни қонунларда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишга ундаш, айниқса, ёшларнинг иш билан таъминлаш масаласини ечишга кўмак бериш партиямиз зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.**

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Хоразм вилоятида тегишли вазирлик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда оила мустаҳкамлигининг иқтисодий ва маънавий омилларига бағишлаб ўтказилган форум шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди.

Дастлаб, форум доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда Урганч шаҳри, Хонқа ва Урганч туманларида фаолият юритаётган корхона ҳамда ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ярмаркада 646 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар мутахассислигига мос иш ўринларини ўрганиш ва энг муҳими, танлаш имконига эга бўлишди.

— Шаҳримизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда, — дейди **Урганч Қурилиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Марҳабо Маҳмудова.** — Замонавий турар жойлар, маданий-маърифий иншоотлар қад ростламоқда. Бугунги ярмарка ҳаётимда алоҳида ўрин тутади. Чунки қурилиш соҳасида ўзимга маъқул иш топилди. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларидан миннатдорман.

Форумда партия фаоллари ва депутатлар оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантириш ҳамда оилани ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиш, бу борадаги ишларни назорат қилиш ҳақида фикр алмашди.

*(Давоми 2-бетда.)*

Ахборот соҳаси ислоҳоти:

### РАҚАМЛИ ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ ТАРМОҒИ

*қанча ривож топса, ахборот алмашинуви тезлиги ва сифати шунча ошади*

2-бет

Партиялараро баҳс

### ВАЪДА АМАЛДА БАЖАРИЛСА

*одамларнинг сиёсий партияга ишончи ошади. Бироқ ЎзЛиДеПнинг Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутиб, жим юришни маъқул кўраётганга ўхшайди*

2-бет





Ижтимоий ҳимоя

## БРАЙЛЬ ЁЗУВИДАГИ РАНГИН ДУНЁ

«1990 йилнинг 2 сентябри. Бу лаҳзани ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Сабаби, ўша куни ўқитувчимиз бизга брайль ёзувидаги китобни таништирган эди. Кейинчалик мана шу ёзув менинг яқин дўстимга айланди. Сизга айтсам, ўшанда брайль ёзувини ўқиш орқали онанинг дунёдаги меҳрибон зот эканлиги, отанинг улуғлиги, камалакнинг рангинлиги, табиатнинг мўъжизакор олами ҳақидаги тасаввурга эга бўлдим. Мен учун умуман ҳаётнинг ўзи нуқталарда акс этарди...»

Бу кўнгил кечинмалари ҳозир ЎзДЖТУ немис филологияси факультетининг 2-босқич магистри Шаҳноза Қодированинг Японияда бўладиган танлов учун ёзган «Брайль ёзуви — менинг ҳаётимда» номли иншосидан олинди.

Ҳаётнинг синовлари нақадар ранг-баранг, нақадар мураккаб... Баъзан тушкунлик гирдобига тортади, эртанги кунга умидни сўндиради. Бироқ умр йўлида бизга яқинлар каторида сирдош бўладиган бир қаҳрамон борки, у синовлар йўлида сенга яқин сирдош, мададкор бўлади, орзулар сари етаклайди. Бу — КИТОБ! Ахборот асридаги миллионлаб технологиялар ҳам ўрнини босолмайдиган сеҳрлар макони.

Брайль ёзувидаги китобларни ўқишни ғоятда севувчи Шаҳноза билан дилдан суҳбатлашаётиб, унинг «Агар ёнимга сеҳргар келиб тилагимни сўраса, мен биринчи бўлиб ўзим севган китобларни олиб келишини айтардим. Чунки мен севган бадиий асарлар, айниқса, немис ва ўзбек тилидаги луғатларни уйга олиб келиб, узоқ вақт ундан фойдаланишнинг иложи йўқ», — дея куйиниб гапиради...

*(Давоми 3-бетда.)*

**2012 йил Самарқанд вилояти бўйича 246 километр хўжаликлараро қишлоқ йўллари таъмирланади. Бунинг учун 7 миллиард 210 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунингдек, посёлка мақомини олган аҳоли масканларида 33 километр узунликда ички йўллар таъмирланади. Унга 10 миллиард 10 миллион сўм сарфланади.**

## ҚИШЛОҚ ЙЎЛЛАРИ

*равон бўлмоқда*

Биргина Ургут туманида 30,7 километр хўжаликлараро ва 3,4 километр посёлка йўллари сайқал топади. Шу мақсадда қарийб бир миллиард сўмлик иш қилиниши кўзда тутилган. Қудратли техника ва технологиялар ёрдамида аҳоли ҳамда транспорт воситалари учун қулай янги йўллар бунёд этилмоқда. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ва «Қурувчи» масъулияти чекланган жамият ишчи-хизматчилари олиб бормоқда.

— Туманимизда қарийб 500 километр ички автомобиль йўллари мавжуд, — дейди Ургут туман коммунал хўжалик бўлими директори Фазлиддин Қаюмов. — Бу йўлларнинг юз километри шаҳар ҳудудида, қолган қисми қишлоқларга тегишли. Корхонамиз уларни равон этиш учун катта ишлар қилмоқда. Дастурга кўра, ўттизга яқин қишлоқдаги ички йўллар ҳолати яхшиланади. Айни пайтда манзилли дастурга киритилган 32 объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган тўрт ойи ичида «Бешкапа-1», «Бешкапа-2», «Қолдивойжар» маҳаллалари ҳудудидаги йўлларга шағал ёткизилди. Автомобиль йўлларини таъмирлашнинг биринчи босқичи Мустақиллик байрами арафасида якунланади.

**Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 12 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2346,79 | 1 Дания кронаси | 319,29 | 1 Хитой юани | 294,97 | 1 Туркия лираси | 1036,51 |
| 1 АҚШ доллари | 1878,06 | 1 БАА дирҳами | 511,34 | 1 Украина гривнаси | 234,98 | 1 Швейцария франки | 1975,03 |
| 1 Россия рубли | 57,63 | 1 Миср фунти | 311,22 | 1 Малайзия ринггити | 593,95 | 10 Жанубий Корея вони | 16,09 |
| 1 Австралия доллари | 1873,55 | 1 Исландия кронаси | 14,63 | 1 Польша злотийси | 556,83 | | |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2920,76 | 1 Канада доллари | 1839,25 | 1 СДР | 2837,45 | 10 Япония иенаси | 235,94 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Жиноятга жазо муқаррар

### «ЎҚИШГА КИРИТИБ ҚЎЯМАН...»

*деб одамларни чув туширмоқчи бўлган фирибгар ҳақида*

6-бет

## Ахборот соҳаси ислоҳоти:

# РАҚАМЛИ ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ ТАРМОҒИ

*қанча ривож топса, ахборот алмашинуви тезлиги ва сифати шунча ошади*

**Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларни демократик ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш учун шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Кейинги ўн йилда нодавлат ОАВ сони 10 баробар ошгани ҳам соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини кўрсатиб турибди.**



**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали давлат ва нодавлат телевидениеларининг телерадиодастурларини тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш демократик ислоҳотлар умумий стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида соҳани ривожлантиришга оид 4 қонун лойиҳаси ва амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича амалий таклифлар берилди. «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси шулар жумласидандир.

Телерадиоэшиттириш тизими ахборот соҳасининг муҳим ва тез ривожланаётган тармоқларидан бири. У жамиятни демократлаштиришда муҳим ўрин тутади. **«Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун** қабул қилиниши телерадиодастурлар тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли тартибга солиш, телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шарт-шароит яратиш, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил индустрия сифатида қайта ташкил этишга замин яратади.

**Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб рақамли телевидениени жорий этишга киришди.**

**Рақамли телевидение ахборот узатишнинг рақамли усулларидан фойдаланган ҳолда телевизион сигналларни тарқатиш тизимидир. Рақамли усуллар телевизион сигнални сиқиб узатиш имконини беради. Бу, ахборот узатишда кичикроқ частота манбасидан фойдаланиш учун кулайлик туғдиради. Шунингдек, рақамли телерадиоэшиттиришнинг ҳозир фойдаланилаётган аналог телевизион сигналлар полосасида турли (6 тадан 18 тагача) рақамли телеканалларни ташкил этиш имконини беради.**

Радиочастота спектридан самарали фойдаланишни амалга ошириш ва телеэшиттиришга рақамли форматда режали ўтишда «Ўзбекистон Республикасида рақамли телеэшиттиришга техник ва технологик жиҳатдан ўтиш бўйича Давлат дастури тўғрисида»ги қарор муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарор билан мамлакатимизда рақамли телеэшиттиришга техник ва технологик жиҳатдан ўтиш бўйича давлат дастури тасдиқланган. Унга кўра, рақамли телеэшиттиришни техник-технологик ривожлантириш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий асоси янада такомиллаштирилиб, рақамли телеэшиттиришга икки босқичда ўтиш кўзда тутилган.

Бунда аналог телеэшиттириш тизимини рақамли тизимга аста-секин алмаштириш орқали рақамли телевизион эшиттиришнинг ер усти тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш, хизматларнинг янги турлари, жумладан, интерфаол ва мобил телевидение жорий этишга, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолини рақамли телеэшиттириш сигналларини қабул қилишнинг замонавий қурилмалари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.

Юртимизда Европа стандарти DVB-T (Digital Video Broadcasting-Terristral) асосида 12 та рақамли телеканал ташкил этадиган стандарт жорий этилмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси рақамли эшиттириш билан қамраб олинган.

Шу ўринда айтиш жоизки, узатилаётган 12 та канал ижтимоий пакетни ташкил этмоқда ва улардан бепул фойдаланилмоқда. «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Тошкент», «Спорт» давлат каналлари, шунингдек, «ТВ марказ», «NTT», «СофТС» каби республика каналлари шулар жумласидандир.

Аҳолини аналог телевизорларга қабул қилувчи телевизион мослама (рақамли телеприставкалар) билан таъминлаш рақамли телеэшиттиришларни тарқатиш тармоқларини ташкил этишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу мақсадда Навоий вилоятида рақамли абонент мосламалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Бир сўз билан айтганда, тизимдаги ишлар кўлами жуда кенг. Кутилган натижага эришиш катта меҳнат талаб этади.** Рақамли телеэшиттиришлар тизимининг самарали жорий қилиниши соҳада янги имкониятлар эшигини очади. Хусусан, янги телеканаллар сони кўпаяди. **Бу, ўз навбатида, телеканалларнинг ижтимоий йўналиши ва бадиий хилма-хиллигини оширишга, сифатли ахборот узатиш бўйича соғлом рақобат муҳити шаклланишига йўл очади.**

Рақамли телерадиоэшиттириш тармоғи ривожланиши пировардида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги Конституциявий ҳуқуқлари таъминланишига, жамиятда сўз ва ахборот эркинлиги кучайишига хизмат қилади.

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

— Ўтган йили вилоятларда ташкиллаштирилган иқтисодий форумлар электоратимиз вакиллари манфаатига хизмат қилди, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Бу лойиҳа доирасида икки минг нафардан зиёд ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлгани бунинг тасдиғидир. Аҳолининг кам таъминланган, жисмоний имконияти чекланган қатлами яратилган шарт-шароитдан тўла фойдаланиши, имтиёзли кредит эвазига оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни йўлга қўйиши керак. Бу жараёнда уларга мададкор бўлиш партиямиз олдида турган долзарб масалалардан биридир.

— Бизда аҳолининг 55 фоизини аёллар ташкил қилади, — дейди **вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Абдукаримова.** — Ўтган йили тадбиркор аёлларга 7 миллиард сўм кредит берилиб, 818 та янги иш ўрни яратилди. Қўлида касби-ҳунари бор аёлларни касаначилик ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш

(Давоми. Боши 1-бетда.)

учун ҳар бир оилага кириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Яқинда ишчи гуруҳи тузиб, Янгиариқ тумани Қармиш қишлоғидаги барча хонадонларни тўла ўрганиб чиқдик. ЎзХДП фаоллари бу борада бизга ҳамкорлик қилишди. Ўз ишини ташкил қилишни истовчи, бироқ ҳуқуқий йўл-йўриқ ёки маслаҳатга муҳтож хотин-қизларга керакли тавсиялар берилди.

Форум доирасида кўчма жамоатчилик қабулхонаси, электорат вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар учун ҳуқуқий маслаҳатхоналар ҳам ташкил қилинди. Партиядан сайланган депутатлар қабул давомида электоратни ўйлантираётган кўплаб саволларга жавоб қайтаришди, муаммолар ечими борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Урганч шаҳридаги «Навбаҳор» маҳалласи фаоллари ҳудудда иккита тунги клуб фаолият юритаётгани, бу ерда ҳатто мактаб ўқувчиларини ҳам учратиш мумкинлиги, бу борада назорат ва жамоат ташкилотларига мурожаатлар натижасиз қолаётгани, ЎзХДП бу масалани тегишли идораларга кўтариб чиқиши зарурлиги ҳақида таклиф айтишди. Вилоят Кенгашидаги партиямиздан сайланган депутатлик гуруҳи бу масалани ўрганиб, Кенгаш сессиясига олиб чиқишини маълум қилди.

Бундан ташқари, Жамоатчилик қабулхонасига Урганч шаҳридаги 27-маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш билан боғлиқ масалада мурожаат тушди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров мурожаатни ўрганиб, сессия муҳокамасига киритиш ва ижросини назорат қилишини айтди. Шунингдек, бошқа ҳудудлардаги бу каби масалаларни ҳар бир партия фаоли ва депутатлари ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиб, ечимини топиши зарурлигини уқтирди.

Форум доирасидаги яна бир тадбир соғлом оила масаласига бағишланди. Таъкидланганидек, «Соғлом оила» атамаси фақат соғлиқни сақлаш тизимига тегишли эмас. Оилада аввало, юксак маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиши лозим. Соғлом турмуш тарзи — барчанинг зиммасидаги масъулият.

— Оила мустаҳкамлигининг асосий омили — унда соғлом муҳит қарор топиши лозим, — деди **вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дурумбой Ёқубов.** — Ҳозирги пайтда тиббий кўрикни энг чекка қишлоқларда ҳам ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳаракат дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга эътибор қаратган ХДП билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Бу жараёнга Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 40 нафарга яқин малакали шифокори ҳамда профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Бугунги анжуман ҳам аҳолининг ўз соғлигини мустаҳкамлаш борасидаги саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда кўтарилган масалалар ўрганилиб, билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида уларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқиш, шунингдек, амалдаги қонунлар ижроси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясига таклифлар беришга келишиб олинди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Партияларaро баҳс

# ВАЪДА АМАЛДА БАЖАРИЛСА

*одамларнинг сиёсий партияга ишончи ошади. Бироқ ЎзЛиДеПнинг Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи «сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутиб, жим юришни маъқул кўраётганга ўхшайди*

**Сиёсий партиялар демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти равнақ топишида фаол иштирок этиш, ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда ҳар жиҳатдан депутатларга суянади.**

Депутатлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишларни атрофлича ўрганиши, электоратни ўйлантираётган масалаларга маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идоралар диққатини қаратиши, ўз навбатида уларнинг ечими бўйича аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқиши лозим.

Бироқ тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган ЎзЛиДеПнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари орасида ташаббус кўрсатиш, электорат манфаатини дадил ҳимоя қилиш ўрнига номига фаолият кўрсатиб келаётганлари йўқ эмас. Бойсун туман Кенгашига ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар фаолияти фикримиз далилидир.

Ўтган давр мобайнида туман Кенгашининг бўлиб ўтган 13 та сессиясида ЎзЛиДеП (6 нафар депутат)нинг депутатлик гуруҳлари партия электорати муаммоларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бирон-бир таклиф билан чиқмаган.

Дарвоқе, ЎзЛиДеП туман Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Салим Муродов туман Кенгаши сессиясига янги иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи киритилганини маълум қилди. Бироқ сессия материаллари билан танишганимизда бундай маълумотни учратмадик.

— Тумандаги депутатлик гуруҳларининг ҳаммасини ҳам фаол деб бўлмайди, — дейди **ЎзХДП аъзоси, Регламент ва депутатлик одоби комиссияси раиси Маҳмуд Қосимов.** — Баъзан депутатлар шунчаки обрў учун юрибдимикин, деган хаёлга ҳам борасан киши. Масалан, ЎзЛиДеП аъзоси, туман Кенгаши депутати Шуҳрат Эшқулов, шунингдек, Бахтиёр Нормуродов кейинги пайтларда ҳатто сессия ишларида кўриниш ҳам бермай қўйган.

Биз туман Кенгашининг бўлиб ўтган сессия материаллари билан танишиш жараёнида ҳудудни янада ривожлантириш билан боғлиқ турли масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Чунончи, мазкур қарорларда тумандаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа тегишли Давлат дастурлари ижроси бўйича чоралар белгиланган.

Сессия материалларини кузатар эканмиз, унда фақат Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи (9 нафар) томонидан иккита масала киритилгани маълум бўлди. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг тумандаги ижроси, хусусан, дори-дармон ҳиссадорлик жамияти ва унинг филиаллари, шунингдек, хусусий дорихоналар фаолияти тўғрисида, Газа қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш масалалари сессия кун тартибига олиб чиқилган.

Маълумки, фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун қулай муҳит яратиш ЎзЛиДеПнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, либераллар, фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиши, бунга партия фаоллари жиддий эътибор бериши лозимлигини бот-бот такрорлашади. Аммо туманда бу борадаги ишлар билан танишганимизда, либераллар фаолиятида сўз ва иш бирлиги ҳамоҳанг эмаслигини кўрдик.

Айни вақтда туманда 350 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётир, албатта. Аммо афсуски, 350 та фермер хўжалигидан бор-йўғи биттасида қайта ишлаш корхонаси ташкил этилган, холос. «Жило-файз» хусусий корхонасининг раҳбари Баҳриддин Маматовнинг айтишича, гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуна туман ҳокимлигининг яқиндан кўрсатган ёрдами эвазига олиб келинган.

Шу ўринда беихтиёр хаёлга турли саволлар келади: тадбиркор, ишбилармон ва фермерларни қўллаб-қувватлаймиз,— дея дадил гапираётган либераллар нега Бойсундаги ўз электорати ҳолидан хабар олмайди. ЎзЛиДеП вакиллари тадбиркор ва ишбилармонлар амалга оширган ишларни санашни ёқтиришади. Аммо «бу ишлар амалга ошишига биз нима ёрдам бердик?», дея ўзларидан сўрашмайди. Уларни электорат манфаатини ҳимоя этмаётганликда танқид қилсангиз, «биз банк эмасмиз, кредит бермаймиз», «биз ишчи ўрни яратмаймиз, биз дастгоҳ олиб бермаймиз» каби замини бўш, одамларни чалғитадиган гапларни айтишади. Ваҳоланки, биз уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти сустлигини танқид қилаяпмиз. Электорат муаммосини ўрганмаса, унинг ечими бўйича таклиф айтмаса, тадбиркор ва фермерлар иши ривожига ҳисса қўшадиган ташаббуслар билан чиқмаса, либераллар нима билан шуғулланиши керак?

Мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олдимизда турган вазифалар сиёсий партиялар, депутатлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Кўпроқ ташаббус ва амалий ишлар билан одамлар ишончини қозониш мумкин.

**Абди ҚОДИРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

**ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Когон шаҳрида «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш аъзолари, вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, қанот фаоллари ва касаначилар қатнашди.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

*оила мустаҳкамлиги ва мамлакат истиқболини белгилайди*

— Аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий олами бойлиги оила мустаҳкамлигининг асосий омилларидир, — дейди «Фаол аёллар» қаноти шаҳар бўлими етакчиси Бону Комилова. — Биз доимий равишда маҳаллаларга чиқиб, хотин-қизларнинг қизиқишлари ва оилавий муаммоларини ўрганиб борамиз. Масалан, яқинда улар ўртасида сўровнома ўтказдик. Унда аёлларнинг аксарияти шаҳарда маиший хизмат шохобчалари фаолиятини янада ривожлантириш ва қулай шарт-шароит яратиш лозимлигига эътибор қаратди.

— Соғлом одам соғлом фикрлайди, эзгу мақсад билан яшайди, — дейди Когон туман Кенгаши депутати Фазилат Боймуродова. — Шу боис «Фаол аёллар» қанотининг ҳамкор ташкилотлар билан ўтказиб келаётган тиббий кўрик акциясини кўпроқ чекка ҳудудларда ташкил этиш лозим, деб ўйлайман. Шунингдек, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг тартиб ва талабларини янада кенг тарғиб қилиш лозим.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари Мухтасар Абдураҳмонова иштирок этди.

**Шаҳло БАКАЕВА,**
**«Фаол аёллар» қаноти Бухоро вилоят бўлими етакчиси.**

## «Ёш сиёсатчи — 2012»

# ПАРТИЯ ИСТИҚБОЛИ

*сиёсий етук авлод тимсолида намоён бўлади*

**ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши** «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ўтказилган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Танловга 1300 нафардан зиёд салоҳиятли ёшлар жалб этилди.

Ёш сиёсатчилар ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантириш, янги ишчи ўринлари очиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ва кундалик ҳаётдаги муаммоли масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳаларни тақдим этишди.

— Фарғоналик бу ёшлар тимсолида партиямизнинг эртанги истиқболи билимли, сиёсий етук авлод қўлида эканига ишонч ҳосил қилдим, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари Мухтасар Абдураҳмонова.** — Энг муҳими, уларда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ишларда ўзини кўрсатиш истаги жуда кучли.

— Мен таклиф этган лойиҳага кўра пластмасса чиқитидан мева-сабзавот солишга мўлжалланган махсус яшчиклар ишлаб чиқариш кўзда тутилган, — дейди **учинчи ўрин соҳиби Шоҳсултон Тўхтаматов.** — Бу маҳсулот таннархи арзон бўлишига олиб келади. Шунингдек, ташқи кўриниши халқаро талабларга мослашади, ҳатто экспортга йўналтириш имконияти кенгаяди.

Қувалик Фарҳод Аминов иккинчи ўрин соҳиби, бувайдалик Дилфуза Солиева кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Энди у танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, вилоятдаги 19 та ЎзХДП шаҳар ва туман кенгашининг 10 тасидан танловда вакил қатнашмади, аниқроғи, ёш сиёсатчилар иштироки таъминланмади. Ҳолбуки, Қўқон ва Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Учкўприк, Бешариқ, Фурқат, Данғара, Фарғона, Қўштепа, Сўх туманлари партия кенгашлари сафларида ҳам иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

**Мухаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

**ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Нукусда «Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш — вазифамиз» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# ҲУР ФИКРЛИ АВЛОД

*тараққиёт таянчи*

Ҳозирги глобаллашув даврида турли хил мақсаддаги ахборот хуружлари ва мафкуравий тазйиқлар бўлиши табиий. Бир қарашда арзимасдек кўринган хабар ёки мақола ҳам ёшлар қалби ва дунёқарашига таъсир ўтказиши, уларни тўғри йўлдан озишига туртки бўлиши мумкин. «Оммавий маданият» ниқобида тарғиб этилаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир халқ миллий маданиятига ҳам, умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Бунга мойилликнинг олдини олиш лозим. Тадбирда шу ҳақда сўз борди.

— Ёш авлодни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун аввало, уларни бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказишга ўргатиш керак, — деди **Республика Бастакорлар уюшмаси раиси, Жўқорғи Кенгес депутати Нажматдин Муҳаммеддинов.** — Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган. Замон талабларига мос спорт иншоотлари, кўркам маданий-маърифий масканлар барпо этилган. Бизнинг вазифамиз — ёшларни бу имкониятлардан самарали фойдаланишга ундаш, уларга тўғри таълим-тарбия беришдан иборат.

Давра суҳбатида ёшларимизни ёт ғоялардан асрашнинг энг муҳим омилларидан бири — уларни мустақил, ҳур фикрли этиб тарбиялаш экани таъкидланди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 07

2012 йил 12 июнда чиқарилган.
Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 25 июнь соат 12.00 гача
Заём № 2775-UZB: «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури»

1. Ўзбекистон Республикаси учун **«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури» (ҚЖУЖҚИД)** бўйича молиялаштиришнинг мультиранш механизми ва харажатларни молиявий таъминлашга Осиё тараққиёт банки(ОТБ)нинг оддий капитал маблағлари ҳисобига молиявий воситачиликка заём берилади. Мазкур заём маблағлари қишлоқ жойлардаги уй-жойларнинг тасдиқланган харидорлари томонидан қуйида кўрсатилган лотлар учун тузилган шартномалар бўйича тўловларни қоплашда фойдаланилади. Шартноманинг қоида ва шартлари ҳамда ушбу шартномалар бўйича тўловлар ўз-ўзидан Осиё тараққиёт банки билан заём тўғрисидаги битимнинг барча қоидалари ва шартларига, шу жумладан, сотиб олиш бўйича қўлланмага мос келиши лозим. Танлов асосидаги савдо ОТБ малакавий шартларини қондирадиган мамлакатлардан бўлган савдо иштирокчилари учун очиқ.

2. Танлов асосидаги савдода иштирок этиш учун тендернинг ҳуқуқий ваколати бўлган оферентлардан қуйидаги лотлар бўйича муҳрлаб ёпиштирилган пакетлар қабул қилинади. Тендер савдосига фақат давлат идораларида рўйхатга олинган ва тендер ҳужжатларининг 3-бўлимига мувофиқ баҳолашнинг асосий талаблари ва малака мезонларига жавоб бериб, ҳуқуқий ваколати бўлган савдо иштирокчиларигина қўйилади. Савдо иштирокчилари тендер савдосида иштирок этиш юзасидан қарор қабул қилиш учун тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқишлари лозим.

3. Келгусида ахборот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун савдо иштирокчилари Қишлоқ қурилиш инвест(ҚҚИ)нинг тегишли ҳудудий бўлими билан боғланиши даркор:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ҚҚИ Қорақалпоғистон филиали**<br>**Манзил**: Нукус ш., Татибоев кўчаси, 5.<br>**Телефон**: +8 (361) 222-21-99<br>**Факс**: +8 (361) 222-21-99<br>**Эл. почта**: redbat64@mail.ru | **ҚҚИ Андижон филиали**<br>**Манзил**: Андижон ш., А.Фитрат кўчаси, 239 а.<br>**Телефон**: + 8 (374) 225-48-79<br>**Факс**: + 8 (374) 225-48-79<br>**Эл. почта**: and_invest@inbox.uz | **ҚҚИ Бухоро филиали**<br>**Манзил:** Бухоро ш., Навоий кўчаси, 6.<br>**Телефон**: +8(365) 223-29-57<br>**Факс**: + 8 (365) 223-29-57<br>**Эл. почта**: uxinvest@mail.ru | **ҚҚИ Жиззах филиали**<br>**Манзил**: Жиззах ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 5.<br>**Телефон**: +8 (372) 223-47-75<br>**Факс**: +8 (372) 223-47-75<br>**Эл. почта**: qqi.jizzah@mail.ru |
| **ҚҚИ Қашқадарё филиали**<br>**Манзил**: Қарши ш., Хонобод кўчаси, 21.<br>**Телефон**: +8 (375) 224-01-29<br>**Факс**: +8 (375) 224-01-29<br>**Эл. почта**: investqarshi@mail.ru | **ҚҚИ Наманган филиали**<br>**Манзил:** Наманган ш., Ахси кўчаси, 60.<br>**Телефон**: +8(369) 233-47-65<br>**Факс**: + 8 (369) 233-47-65<br>**Эл. почта**:qishloqqurilish invest@mail.ru | **ҚҚИ Самарқанд филиали**<br>**Манзил**: Самарқанд ш., Бўстон сарой кўчаси, 85 а.<br>**Телефон**: +8 (366) 235-07-65<br>**Факс**: +8 (366) 235-07-65<br>**Эл.почта**:nodirjon 7729@mail.ru | **ҚҚИ Сурхондарё филиали**<br>**Манзил**: Термиз ш., Ат-Термизий кўчаси, 11.<br>**Телефон**: +8 (376) 227-53-65<br>**Факс**: +8 (376) 227-53-65<br>**Эл. почта**: laziz0110@mail.ru |
| **ҚҚИ Сирдарё филиали**<br>**Манзил**: Гулистон ш., Қаҳрамонлар кўчаси, 1.<br>**Телефон**: +8 (367) 235-01-65<br>**Факс**: +8 (367) 235-01-65<br>**Эл. почта**: halim72@mail.ru | **ҚҚИ Тошкент филиали**<br>**Манзил:** Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 536.<br>**Телефон**: +8 (371) 280-60-93<br>**Факс**: +8 (371) 280-60-93<br>**Эл.почта**: qodir8778@mail.ru | **ҚҚИ Фарғона филиали**<br>**Манзил**: Фарғона ш., Қурувчилар кўчаси, 13.<br>**Телефон**: +8 (373) 224-40-78<br>**Факс**: +8 (373) 224-40-78<br>**Эл. почта**: qqifergana@mail.ru | **ҚҚИ Хоразм филиали**<br>**Манзил**: Урганч ш., Хонқа кўчаси, 11.<br>**Телефон**: +8 (372) 227-11-13<br>**Факс**: +8 (372) 227-11-13<br>**Эл. почта**: qqinvest_horazm@mail.ru |

4. Рус тилидаги тендер ҳужжатларини олиш учун савдонинг ҳуқуқий ваколати бўлган иштирокчилари юқорида кўрсатилган манзилга хат жўнатишлари ва унга банкдан 65 000 сўм миқдорида қопланмайдиган тўлов тўғрисидаги ҳужжатни илова қилишлари керак.

5. Ҳужжатларнинг бир тўплами учун тўловнинг қопланмайдиган миқдорини «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКнинг банк ҳисоб-рақамига киритиш лозим. Қуйида банк рақамининг реквизитлари келтирилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ҚҚИ Қорақалпоғистон филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Қорақалпоғистон филиали<br>**ИНН: 207018844**<br>**Ҳисоб-рақами:** *20208000 904796314001*<br>**МФО:** *00588* | **ҚҚИ Андижон филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Андижон филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 404795447002<br>**МФО:** 00082 | **ҚҚИ Бухоро филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Бухоро филиали<br>**ИНН: 207018488**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 504795858001<br>**МФО: 00115** | **ҚҚИ Жиззах филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Жиззах филиали<br>**ИНН: 207019035**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 304796545001<br>**МФО: 00139** |
| **ҚҚИ Қашқадарё филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Қашқадарё филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 2020800000 4795447004<br>**МФО:** 00155 | **ҚҚИ Наманган филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Наманган филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 304795447006<br>**МФО: 00229** | **ҚҚИ Самарқанд филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» **Самарқанд** филиали<br>**ИНН: 207018890**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 004796298001<br>**МФО: 00287** | **ҚҚИ Сурхондарё филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Сурхондарё филиали<br>**ИНН: 207018947**<br>**Ҳисоб-рақами:** 2020800000 904796357001<br>**МФО: 00330** |
| **ҚҚИ Сирдарё филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Сирдарё филиали<br>**ИНН: 207018528**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 104795967001<br>**МФО: 00370** | **ҚҚИ Тошкент филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Тошкент филиали<br>**ИНН: 207018622**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 904796055001<br>**МФО: 00987** | **ҚҚИ Фарғона филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Фарғона филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:** 20208000 204795447003<br>**МФО: 00501** | **ҚҚИ Хоразм филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:** ОАТБ «ҚҚБ» Хоразм филиали<br>**ИНН: 301291517 Ҳисоб-рақами:** *20208000 604795447005*<br>**МФО:** *00553* |

6. Танлов билан боғлиқ таклифни киритиш юзасидан талаб қилинадиган ҳужжатлар учун форматлар савдо иштирокчилари учун йўриқнома (СИУЙ)нинг 1-бўлимида белгиланган бўлиб, улар тендер ҳужжатларининг таркибига киради. Танлов билан боғлиқ таклиф тендер савдосида иштирок тўғрисидаги хат-таклиф ва қуйидаги параграфларда келтирилган ҳужжатларни ўз ичига олиши керак. СИУЙ 11 га мувофиқ техникавий ва баҳолаш бўйича танлов таклифлари алоҳида муҳрлаб ёпиштирилган конвертларда, иккаласи эса ўз навбатида муҳрлаб ёпиштирилган битта ташқи конвертга солиниб, хат-тендер таклифи билан бирга тақдим этилиши лозим.

7. Техникавий танлов таклифи СИУЙ 11.2 да санаб ўтилган ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:
— СИУЙ 12 ва СИУЙ 16 га мувофиқ хат-техникавий таклиф;
— СИУЙ 19 га мувофиқ 15 000 000 сўм миқдордаги тендер кафолати;
— Ишончнома, танлов таклифига имзо чекувчи, ваколат берадиган томон зиммасига СИУЙ 20.2 га мувофиқ таъминлаш вазифасини юклаш;
— Шартномани бажариш учун савдо иштирокчиси малакасини тасдиқлаш учун СИУЙ 17 га мувофиқ ҳужжатли тасдиқ;
— СИУЙ 16.1 бандига мувофиқ техникавий таклиф;
— Савдонинг ахборот жадвалига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

8. Танловнинг баҳо таклифи СИУЙ 11.3 да санаб ўтилган ҳужжатларни ўз ичига олган бўлиши лозим:
а) СИУЙ 12 ва СИУЙ 14 га мувофиқ хат-баҳо бўйича таклиф;
б) СИУЙ 12 ва СИУЙ 14 га мувофиқ ресурс сметалари ва тўлдирилган баҳо жадваллари ёки Савдо Ахборот жадвалидаги кўрсатмаларга асосан;
c) Савдо Ахборот жадвалида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар.

9. Барча тендер таклифлари «ОРИГИНАЛ» деб аниқ-равшан кўрсатилган ҳолда муҳрлаб ёпиштирилган битта (1) оригинал нусха ва «КОПИЯ» деб аниқ-равшан кўрсатилган ҳолда муҳрлаб ёпиштирилган тўртта (4) нусхада тақдим этилиши лозим. Оригинал ва таклифнинг тўртта нусхаси қуйида кўрсатилган манзилга жўнатилиши керак. Тўртта бекитиб ёпиштирилган нусхадан биттаси шартноманинг ҳудудий тендер комиссияси томонидан берилишига қадар очилмайди ҳамда иккинчи нусха ҳудудий тендер комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳи манзилига сақлаш учун жўнатилади.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Нукус ш., Гарезсизлик кўчаси, 50.<br>**Телефон:** +8 (371) 222-74-12<br>**Факс:** +8 (371) 222-74-12<br>**Эл. почта:** info@sovminrk.gov.uz | **Андижон вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Андижон ш., Пирмуҳамедов кўчаси, 1.<br>**Телефон**: + 8 (374) 226-72-02<br>**Факс:** + 8 (374) 226-72-02<br>**Эл. почта:** mum@andigan.uz | **Бухоро вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Бухоро ш., И.Мўминов кўчаси, 6.<br>**Телефон:** + 8 (365) 223-97-51<br>**Факс:** + 8 (365) 223-97-51<br>**Эл. почта:** info@buxoro.uz | **Жиззах вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63.<br>**Телефон**: +8 (372) 226-14-66<br>**Факс:** +8 (372) 226-14-66<br>**Эл. почта:** info@gizzah.uz | **Қашқадарё вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Қарши ш., Мустақиллик майдони, 1.<br>**Телефон:** +8 (375) 224-05-24<br>**Факс:** +8 (375) 224-05-24<br>**Эл. почта:** www.kashkadaryo.uz |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Наманган вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Наманган ш., А.Раҳимов кўчаси, 57.<br>**Телефон:** + 8 (369) 226-14-50<br>**Факс:** + 8 (369) 226-14-50<br>**Эл. почта:** namvilhok@mail.uz | **Самарқанд вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Самарқанд ш., Кўк-сарой майдони, 1.<br>**Телефон:** +8 (366) 233-32-00<br>**Факс:** +8 (366) 233-32-00<br>**Эл. почта:** info@samarqand.uz | **Сурхондарё вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Термиз ш., Амир Темур кўчаси, 69.<br>**Телефон:** +8 (376) 222-44-76<br>**Факс:** +8 (376) 222-44-76<br>**Эл. почта:** www.surxondaryo.uz | **Сирдарё вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Гулистон ш., Мустақиллик кўчаси, 60.<br>**Телефон:** +8 (367) 227-64-84<br>**Факс:** +8 (367) 227-64-84<br>**Эл. почта:** sviloyat@inbox.uz |

| | | |
|---|---|---|
| **Тошкент вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 17.<br>**Телефон:** +8 (371) 241-15-22<br>**Факс:** +8 (371) 241-15-22<br>**Эл. почта:** amon_7777@inbox.ru | **Фарғона вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Фарғона ш., А.Навоий кўчаси, 15.<br>**Телефон:** +8 (373) 224-18-76<br>**Факс:** +8 (373) 224-18-76<br>**Эл. почта:** ferkhana@umail.ru | **Хоразм вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 29.<br>**Телефон:** +8 (372) 224-28-41<br>**Факс:** +8 (372) 224-28-41<br>**Эл. почта:** www.xorazm.uz |

10. Офералар Тендер комиссияси томонидан танлов савдосини ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб юқорида 8-бандда кўрсатилган манзилда иш вақтида (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) қабул қилинади. СИУЙ 22.1 га мувофиқ тендер таклифлари тегишли Тендер комиссиялари томонидан юқорида 9-бандда кўрсатилган манзилда, 2012 йил 25 июнь кундузи соат 12.00 да ёки ушбу муддатдан олдин олинади.

11. Агарда офертани топширишнинг охирги муддати байрам кунига тўғри келиб қолса, унда ариза беришнинг охирги муддати келгуси иш кунига қадар узайтирилади.

12. Оферталар 2012 йил 25 июнь соат 12.00 да, савдо иштирокчилари вакиллари иштирокида очилади. Оферталар 9-бандда кўрсатилган манзилда очилади.

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 07

2012 йил 12 июнда чиқарилган.
Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 25 июнь соат 12.00 гача

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 661 | Қорақалпоғистон | Элликқалъа | Оқчакўл | Бўстон ш. | 8 | 4 | 1,2,3,4 |
| | | | | | | **4** | |
| 662 | Қорақалпоғистон | Шуманай | Даулетбай | Чимбай ш. | 2 | 3 | 1,2,3 |
| | | | | | | **3** | |
| | | | | | **Жами** | **7** | |
| 663 | Андижон | Андижон | «Ўриксор-2» | Андижон | 5 | 8 | 67,68,69,70,71,72,73,74 |
| 664 | Андижон | Андижон | «Ўриксор-2» | Андижон | 5 | 8 | 75,76,77,78,79,80,81,82 |
| | | | | | | **16** | |
| 665 | Андижон | Асака | «Файзиобод» | Андижон | 21 | 10 | 51,52,53,54,55,56,57,58,59,60 |
| | | | | | | **10** | |
| | | | | | **Жами** | **26** | |
| 666 | Бухоро | Ромитан | Чилонгу | Бухоро | 11 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| | | | | | | **8** | |
| 667 | Бухоро | Ғиждувон | Ф.Юнусов | Бухоро | 48 | 10 | 6,7,8,13,14,15,16,17,18,19 |
| 668 | Бухоро | Ғиждувон | Ф.Юнусов | Бухоро | 48 | 9 | 1,2,3,4,5,9,10,11,12 |
| | | | | | | **19** | |
| | | | | | **Жами** | **27** | |
| 669 | Жиззах | Янгиобод | Пастки чақир | Жиззах | 110 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| | | | | | **Жами** | **8** | |

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 670 | Қашқадарё | Касби | «Оққамиш» | Қарши | 38 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 671 | Қашқадарё | Миришкор | «Янги Жейнов» | Қарши | 60 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 672 | Қашқадарё | Қамаши | «Оқгузар» | Қарши | 60 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| | | | | | **Жами** | **30** | |
| 673 | Наманган | Наманган | Ўрта ровустон | Наманган | 5 | 10 | 101,102,103,104,105,106,107,108,109,110 |
| 674 | Наманган | Наманган | Ўрта ровустон | Наманган | 5 | 10 | 111,112,113,114,115,116,117,118,119,120 |
| | | | | | | **20** | |
| 675 | Наманган | Косонсой | Дўстлик қишлоғи | Наманган | 30 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **10** | |
| 676 | Наманган | Косонсой | Булоқ қишлоғи | Наманган | 7 | 11 | 25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35 |
| | | | | | | **11** | |
| 677 | Наманган | Мингбулоқ | Мулкобод қишлоғи | Наманган | 35 | 12 | 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 |
| | | | | | | **12** | |
| 678 | Наманган | Норин | Ғалаба қишлоғи | Наманган | 48 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 679 | Наманган | Поп | Шомазор қишлоғи | Наманган | 42 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **10** | |

**(Давоми 4-бетда)**

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 07

2012 йил 12 июнда чиқарилган.

Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 25 июнь соат 12.00 гача

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 680 | Наманган | Тўрақўрғон | Кумидон қишлоғи | Наманган | 19 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 681 | Наманган | Тўрақўрғон | Кумидон қишлоғи | Наманган | 19 | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 |
| | | | | | | **16** | |
| 682 | Наманган | Тўрақўрғон | Озод қишлоғи | Наманган | 20 | 5 | 1,2,3,4,5 |
| | | | | | | **5** | |
| 683 | Наманган | Тўрақўрғон | Бураматут қишлоғи | Наманган | 17 | 11 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21 |
| | | | | | | **11** | |
| 684 | Наманган | Тўрақўрғон | Чусткўприк қишлоғи | Наманган | 10 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| 685 | Наманган | Уйчи | Тепасарой қишлоғи | Наманган | 15 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| | | | | | | **10** | |
| 686 | Наманган | Уйчи | Кўрғонча қишлоғи | Наманган | 17 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 687 | Наманган | Уйчи | Кўрғонча қишлоғи | Наманган | 17 | 7 | 9,10,11,12,13,14,15 |
| | | | | | | **15** | |
| 688 | Наманган | Учқўрғон | Ўлжатўпи қишлоғи | Наманган | 42 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| | | | | | | **10** | |
| 689 | Наманган | Чортоқ | Мучум қишлоғи | Наманган | 20 | 11 | 45,46,47,48,49,50,51,52,53,54,55 |
| | | | | | | **11** | |
| 690 | Наманган | Чуст | Сабзазор қишлоғи | Наманган | 37 | 11 | 35,36,37,38,39,40,41,42,43,44,45 |
| | | | | | | **11** | |
| 691 | Наманган | Янгиқўрғон | Маданият қишлоғи | Наманган | 45 | 12 | 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 |
| | | | | | | **12** | |
| | | | | | **Жами** | **187** | |
| 692 | Самарқанд | Иштихон | Қоракуйли | Самарқанд | 60 | 11 | 26,27,28,38,39,40,41,42,43,44,45 |
| | | | | | | **11** | |
| 693 | Самарқанд | Каттақўрғон | Мухтор | Каттақўрғон | 3 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| | | | | | | **10** | |
| 694 | Самарқанд | Қўшрабод | Солпи | Самарқанд | 105 | 4 | 1,2,3,4 |
| | | | | | | **4** | |
| 695 | Самарқанд | Пайариқ | Кичиктурк | Самарқанд | 40 | 10 | 19,20,21,22,23,24,25,26,27,28 |
| | | | | | | **10** | |
| 696 | Самарқанд | Ургут | Камонгарон | Самарқанд | 35 | 11 | 51,52,53,54,55,56,58,59,60,61,62 |
| 697 | Самарқанд | Ургут | Камонгарон | Самарқанд | 35 | 10 | 83,84,85,86,87,88,89,91,92,93 |
| | | | | | | **21** | |
| | | | | | **Жами** | **56** | |
| 698 | Сурхондарё | Ангор | Гулистон | Термиз | 25 | 9 | 1,2,3,15,16,17,18,19,20 |
| 699 | Сурхондарё | Ангор | Гулистон | Термиз | 25 | 9 | 4,5,6,7,21,22,23,24,25 |
| 700 | Сурхондарё | Ангор | Гулистон | Термиз | 25 | 9 | 8,9,10,11,12,13,14,26,27 |
| | | | | | | **27** | |
| 701 | Сурхондарё | Ангор | Қорабоғ | Термиз | 34 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| 702 | Сурхондарё | Бойсун | Бибиширин | Термиз | 150 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 703 | Сурхондарё | Денов | Хитоян | Денов | 7 | 10 | 111,112,113,114,115,116,117,118,119,120 |
| 704 | Сурхондарё | Денов | Хитоян | Денов | 7 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 705 | Сурхондарё | Денов | Хитоян | Денов | 7 | 10 | 46,47,48,49,50,59,60,61,62,63 |
| | | | | | | **30** | |
| 706 | Сурхондарё | Денов | Жаматак | Денов | 15 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 707 | Сурхондарё | Денов | Жаматак | Денов | 15 | 10 | 17,18,19,20,21,25,26,27,28,29 |
| 708 | Сурхондарё | Денов | Жаматак | Денов | 15 | 9 | 11,12,13,14,15,16,22,23,24 |
| | | | | | | **29** | |
| 709 | Сурхондарё | Жарқўрғон | Қораянтоқ | Термиз | 45 | 10 | 12,13,14,15,16,20,21,22,23,24 |
| | | | | | | **10** | |
| 710 | Сурхондарё | Жарқўрғон | Улуғбек | Термиз | 54 | 5 | 1,2,3,4,5 |
| | | | | | | **5** | |
| 711 | Сурхондарё | Музработ | Ч.Қувондиқов | Термиз | 65 | 5 | 1,2,3,4,5 |
| | | | | | | **5** | |
| 712 | Сурхондарё | Музработ | Ч.Қувондиқов II | Термиз | 65 | 12 | 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 |
| | | | | | | **12** | |
| 713 | Сурхондарё | Сариосиё | Бойқишлоқ | Денов | 30 | 10 | 14,15,16,31,32,33,47,48,49,50 |
| | | | | | | **10** | |
| 714 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 59,60,61,62,63,64,65,66,67,68 |
| 715 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 83,84,91,92,93,94,95,96,97,98 |
| 716 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 73,74,75,76,85,86,87,88,89,90 |
| 717 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 18,69,70,71,72,77,78,79,99,100 |
| | | | | | | **40** | |
| 718 | Сурхондарё | Узун | Кичикжончекка | Денов | 40 | 10 | 11,12,23,24,25,26,37,38,39,40 |
| | | | | | | **10** | |
| 719 | Сурхондарё | Шеробод | Пахтаобод | Термиз | 85 | 7 | 1,2,3,4,5,6,7 |
| 720 | Сурхондарё | Шеробод | Пахтаобод | Термиз | 85 | 7 | 8,9,10,11,12,13,14 |
| | | | | | | **14** | |
| 721 | Сурхондарё | Шеробод | Янгиариқ | Термиз | 80 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 722 | Сурхондарё | Шеробод | Янгиариқ | Термиз | 80 | 9 | 10,11,12,13,14,15,16,17,18 |
| 723 | Сурхондарё | Шеробод | Янгиариқ | Термиз | 80 | 8 | 19,20,21,22,23,24,25,26 |
| | | | | | | **26** | |
| 724 | Сурхондарё | Шўрчи | Жойилма | Денов | 33 | 10 | 25,26,27,28,33,34,3538,39,40 |
| | | | | | | **10** | |
| 725 | Сурхондарё | Қизириқ | Кармаки | Термиз | 75 | 8 | 1,2,8,9,10,11,17,18 |
| | | | | | | **8** | |
| 726 | Сурхондарё | Қизириқ | Бандихон | Термиз | 100 | 12 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 |
| | | | | | | **12** | |
| 727 | Сурхондарё | Қумқўрғон | Азларсой | Денов | 65 | 11 | 13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23 |
| | | | | | | **11** | |
| 728 | Сурхондарё | Қумқўрғон | Жийдали | Денов | 65 | 5 | 1,2,3,4,5 |
| | | | | | | **5** | |
| | | | | | **Жами** | **287** | |
| 729 | Сирдарё | Боёвут | Гулистон | Гулистон ш. | 5 | 10 | 41,42.43,44,45.46,47,48,49,50 |
| 730 | Сирдарё | Боёвут | Гулистон | Гулистон ш. | 5 | 10 | 51,52,53,54,55.56,57,58,59,60 |
| | | | | | | **20** | |
| 731 | Сирдарё | Гулистон | А.Темур | Гулистон ш. | 4,5 | 10 | 11,112,113,114,115,116,117,118,119,120. |
| 732 | Сирдарё | Гулистон | А.Темур | Гулистон ш. | 4,5 | 10 | 121,122,123,124,125,126,127,128,129,130 |
| 733 | Сирдарё | Гулистон | А.Темур | Гулистон ш. | 4,5 | 10 | 131,132,133,134,135,136,137,138,139,140 |
| | | | | | | **30** | |
| 734 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон ш. | 7 | 10 | 61,62,63,64.65,66,67,68,69,70 |
| 735 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон ш. | 7 | 10 | 71,72,73,74,75,76,77,78.79,80. |
| 736 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон ш. | 7 | 10 | 81,82,83,84,85,86,87,88,89,90. |
| 737 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон ш. | 7 | 10 | 91,92,93,94,95,96,97,98,99,100. |
| | | | | | | **40** | |
| 738 | Сирдарё | Ховос | Чаманзор | Янгиер ш. | 4,5 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10. |
| 739 | Сирдарё | Ховос | Чаманзор | Янгиер ш. | 4,5 | 10 | 11.12,13,14,15,16,17,18,19,20. |
| | | | | | | **20** | |
| *(Давоми. Боши 3-бетда.)* | | | | | **Жами** | **110** | |
| 740 | Фарғона | Бешариқ | Янгиқўрғон | Бешариқ | 11 | 10 | 11,12,13,14,15, 16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **10** | |
| 741 | Фарғона | Бешариқ | Увада-1 | Бешариқ | 2 | 11 | 23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33 |
| | | | | | | **11** | |
| 742 | Фарғона | Данғара | Катта Аравон | Данғара | 5 | 11 | 13,14,15,28,29, 30,31,32,33, 34,35 |
| | | | | | | **11** | |
| 743 | Фарғона | Риштон | Абдуллабоён | Риштон | 2 | 11 | 17,18,19,20,21,28,29,30,31,32,33 |
| | | | | | | **11** | |
| 744 | Фарғона | Фарғона | Аввал | Водил | 14 | 10 | 45,46,47,48,49,50,51,52,53,54 |
| | | | | | | **10** | |
| | | | | | **Жами** | **53** | |
| 745 | Хоразм | Хонқа | Мадир | Урганч | 18 | 12 | 26,27,28,29,30,31,32,33,34,35,36,37 |
| | | | | | | **12** | |
| 746 | Хоразм | Ҳазорасп | Питнак | Урганч | 75 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **10** | |
| 747 | Хоразм | Янгибозор | Бошкирших | Урганч | 15 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 748 | Хоразм | Янгибозор | Бошкирших | Урганч | 15 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 749 | Хоразм | Янгибозор | Бошкирших | Урганч | 15 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 750 | Хоразм | Янгибозор | Бошкирших | Урганч | 15 | 11 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40,41 |
| 751 | Хоразм | Янгибозор | Бошкирших | Урганч | 15 | 11 | 42,43,44,45,46,47,48,49,50,51,52 |
| | | | | | | **52** | |
| 752 | Хоразм | Қўшкўпир | Шихмашхад | Урганч | 20 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 753 | Хоразм | Қўшкўпир | Шихмашхад | Урганч | 20 | 9 | 10,11,12,13,14,15,16,17,18 |
| 754 | Хоразм | Қўшкўпир | Шихмашхад | Урганч | 20 | 9 | 19,20,21,22,23,24,25,26,27 |
| 755 | Хоразм | Қўшкўпир | Шихмашхад | Урганч | 20 | 9 | 28,29,30,31,32,33,34,35,36 |
| 756 | Хоразм | Қўшкўпир | Шихмашхад | Урганч | 20 | 9 | 37,38,39,40,41,42,43,44,45 |
| 757 | Хоразм | Қўшкўпир | Шихмашхад | Урганч | 20 | 9 | 46,47,48,49,50,51,52,53,54 |
| | | | | | | **54** | |
| 758 | Хоразм | Гурлан | Олға | Урганч | 40 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 759 | Хоразм | Гурлан | Олға | Урганч | 40 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| | | | | | **Жами** | **148** | |
| 760 | Тошкент | Бекобод | Тақачи | Бекобод | 5 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 761 | Тошкент | Бекобод | Тақачи | Бекобод | 5 | 9 | 10,11,12,13,14,15,16,17,18 |
| 762 | Тошкент | Бекобод | Тақачи | Бекобод | 5 | 8 | 19,20,21,22,23,24,25,26 |
| | | | | | | **26** | |
| 763 | Тошкент | Бекобод | Қозоқбоев | Бекобод | 29 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 764 | Тошкент | Бекобод | Қозоқбоев | Бекобод | 29 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 765 | Тошкент | Бекобод | Қозоқбоев | Бекобод | 29 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| | | | | | | **30** | |
| 766 | Тошкент | Оҳангарон | Қуюн | Ангрен | 15 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 767 | Тошкент | Оҳангарон | Қуюн | Ангрен | 15 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 768 | Тошкент | Оҳангарон | Қуюн | Ангрен | 15 | 9 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29 |
| 769 | Тошкент | Оҳангарон | Қуюн | Ангрен | 15 | 9 | 30,31,32,33,34,35,36,37,38 |
| | | | | | | **38** | |
| 770 | Тошкент | Юқоричирчиқ | Жумабозор | Тошкент | 18 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| 771 | Тошкент | Юқоричирчиқ | Бордонкўл | Тошкент | 18 | 7 | 21,22,23,24,25,26,27 |
| | | | | | | **10** | |
| 772 | Тошкент | Қуйичирчиқ | Дўстлик | Тошкент | 35 | 12 | 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 |
| | | | | | | **12** | |
| 773 | Тошкент | Бўка | Олтиш | Олмалиқ | 30 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **10** | |
| 774 | Тошкент | Чиноз | Гулзоробод | Тошкент | 45 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **10** | |
| 775 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 10 | 13,14,15,16,17,18,19,20,21,22 |
| 776 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 10 | 23,24,25,26,27,28,29,30,31,32 |
| 777 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 10 | 33,34,35,36,37,38,39,40,41,42 |
| 778 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 10 | 43,44,45,46,47,48,49,50,51,52 |
| 779 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 12 | 53,54,55,56,57,58,59,60,61,62,63,64 |
| 780 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 12 | 65,66,67,68,69,70,71,72,73,74,75,76 |
| | | | | | | **64** | |
| 781 | Тошкент | Пискент | Дўстлик | Олмалиқ | 6 | 11 | 45,46,47,48,49,50,51,52,53,54,55 |
| | | | | | | **7** | |
| 782 | Тошкент | Оққўрғон | Боболак ота | Тошкент | 60 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 783 | Тошкент | Бўстонлиқ | Қизилсув | Чирчиқ | 35 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 784 | Тошкент | Бўстонлиқ | Қизилсув | Чирчиқ | 35 | 9 | 10,11,12,13,14,15,16,17,18 |
| | | | | | | **18** | |
| 785 | Тошкент | Бўстонлиқ | Хондайлиқ | Чирчиқ | 35 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| 786 | Тошкент | Бўстонлиқ | Хондайлиқ | Чирчиқ | 35 | 9 | 10,11,12,13,14,15,16,17,18 |
| 787 | Тошкент | Бўстонлиқ | Хондайлиқ | Чирчиқ | 35 | 9 | 19,20,43,44,45,46,47,48,49 |
| 788 | Тошкент | Бўстонлиқ | Хондайлиқ | Чирчиқ | 35 | 9 | 50,51,52,53,54,55,56,57,58 |
| 789 | Тошкент | Бўстонлиқ | Хондайлиқ | Чирчиқ | 35 | 9 | 59,60,61,62,63,64,65,66,67 |
| | | | | | | **45** | |
| 790 | Тошкент | Зангиота | Қуёшли | Тошкент | 15 | 10 | 89,90,91,92,93,94,95,96,97,98 |
| 791 | Тошкент | Зангиота | Қуёшли | Тошкент | 15 | 9 | 99,100,101,102,103,104,105,106,107 |
| | | | | | | **19** | |
| 792 | Тошкент | Зангиота | З.Пўлатов | Тошкент | 8 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| | | | | | | **9** | |
| 793 | Тошкент | Зангиота | Хувайдо | Тошкент | 8 | 9 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9 |
| | | | | | | **9** | |
| 794 | Тошкент | Зангиота | Й.Каримов | Тошкент | 16 | 11 | 82,83,84,85,86,87,88,89,90,91,92 |
| 795 | Тошкент | Зангиота | Й.Каримов | Тошкент | 16 | 10 | 93,94,95,96,97,98,99,100,101,102 |
| 796 | Тошкент | Зангиота | Й.Каримов | Тошкент | 16 | 10 | 103,104,105,106,107,108,109,110,111,112 |
| 797 | Тошкент | Зангиота | Й.Каримов | Тошкент | 16 | 10 | 113,114,115,116,117,118,119,120,121,122 |
| 798 | Тошкент | Зангиота | Й.Каримов | Тошкент | 16 | 10 | 123,124,125,126,127,128,129,130,131,132 |
| 799 | Тошкент | Зангиота | Й.Каримов | Тошкент | 16 | 10 | 133,134,135,136,137,138,139,140,141,142 |
| | | | | | | **61** | |
| 800 | Тошкент | Қибрай | Ёшлик | Тошкент | 18 | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 |
| 801 | Тошкент | Қибрай | Ёшлик | Тошкент | 18 | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 |
| | | | | | | **16** | |
| 802 | Тошкент | Қибрай | Алишеробод | Тошкент | 12 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 803 | Тошкент | Қибрай | Алишеробод | Тошкент | 12 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 804 | Тошкент | Қибрай | Алишеробод | Тошкент | 12 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 805 | Тошкент | Қибрай | Алишеробод | Тошкент | 12 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| 806 | Тошкент | Қибрай | Алишеробод | Тошкент | 12 | 12 | 41,42,43,44,45,46,47,48,49,50,51,52 |
| | | | | | | **52** | |
| 807 | Тошкент | Қибрай | Тўқайтепа | Тошкент | 13 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| | | | | | | **10** | |
| | | | | | **Жами** | **473** | |
| | | | | **Ҳаммаси бўлиб** | | **1412** | |

Ижтимоий ҳимоя

# БРАЙЛЬ ЁЗУВИДАГИ РАНГИН ДУНЁ

Хўш, юртимизда кўзи ожизларни китоб билан таъминлаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар қай тарзда кетмоқда? Умуман, меҳр-муҳаббатга муҳтож Шаҳноза каби кўзи ожизларнинг маънавий эҳтиёжи қондирилаяптими? Буларга баҳоли қудрат жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, БМТ Бош ассамблеясининг 2006 йил 13 декабрда бўлиб ўтган мажлисида «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция қабул қилинди. Айтиш жоизки, бу муҳим халқаро ҳужжат дунёдаги барча ногиронлар ҳамжамиятларининг жонбозликлари натижасида ташкил этилди. Умуман, Конвенциянинг мақсади имконияти чекланган инсонларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла ва тенг даражада фойдаланишларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қадр-қимматини юксакка кўтариш ва бу йўналишдаги ишларни рағбатлантиришдан иборатдир. Ер куррасида кўз хасталиклари мавжуд экан, махсус кутубхоналар хизматига эҳтиёж ортиб, соҳа ишига янги ресурс ва хизмат турларини жорий этиш кун тартибидан ўрин олаверади.

Гап шундаки, электрон китоблар ва интернет орқали ахборот олиш имконияти кенгаяётган бир даврда брайль ёки ясси босмадаги нашрларни ўқийдиганлар сони камайиши табиий ҳолдек туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас.

Ўзбекистон Республикаси Кўзи ожизлар босмахонаси 63 йиллик тарихга эга бўлиб, у Марказий Осиёдаги кўзи ожизлар учун турли хилдаги матбаа маҳсулотларини тайёрлаб берувчи ягона йирик корхона ҳисобланган. У 1949 йилдан 2004 йилгача Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти таркибида бўлиб, жамиятнинг дотация маблағлари ҳисобидан фаолият юритиб келди. Кейинчалик, кўзи ожизлар жамиятининг иқтисодий қуввати бирмунча пасайиб, босмахона инқирозга юз тута бошлади. Ногиронларнинг маънавий-маърифий ҳаётидаги муҳим ўрни ҳисобга олиниб, босмахона 2004 йилдан тўлалигича Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимига ўтказилди. Ушбу корхонада брайль ёзувида чоп этилган китоблар халқаро кўргазмаларда ҳам нуфузли ўринларни эгаллаган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)




Бироқ кўзи ожиз ёшларнинг таълим жараёнига назар ташласак, ечилиши зарур бўлган муаммоларни ҳам кўрамиз. Бугунги кунда интернат-мактаб ўқувчилари 30 фоиздан зиёдроқ дарсликлар билан таъминланган. Афсуски, кейинги вақтда янги турдаги дарсликлар чоп қилинмади. Бунинг устига, дарслик китобларининг аксарияти ҳозир ҳам жисмоний (бу ёзувдаги китоб кўп қўлдан-қўлга ўтганда ва кўп ишлатилса борган сари яссиланиб, нуқталар ҳам ўқий олмаслик даражасига келиб қолади), ҳам маънавий эскирган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент асарлари, қонунлар мажмуаси каби китобларни ҳам махсус ёзувда нашр этиш масаласини ўйлаб кўриш ва ҳал этиш зарур бўлиб турибди.

— Бизга маълумки, республикада кўриш бўйича 40 мингдан ортиқ ногирон бор. Босмахонада хизмат қилувчи ишчи ва мутахассисларнинг 50 фоизини ногиронлар ташкил этади. Уларга 23 хилдаги умумий ва соҳа йўналишларига доир махсус ўқув қўлланмалари керак. Республикада кўзи ожизлар учун жойларда 80 та махсус кутубхоналар ташкил этилган бўлиб, уларнинг китоб фондларини брайль ёзувида чоп этилган янги китоблар билан тўлдириш зарур, — дейди босмахона қошидаги «Ёғду» нашриёти бош муҳаррири Рихсибой Аббосхонов. — Бир номдаги китоб брайль ёзувида ўртача 6 та китобдан иборат бўлади. Унинг ўртача нархи бугунги кунда 150 минг сўмни ташкил этса, бир дона брайль ёзувига мўлжалланган дафтарнинг нархи 12000 сўм ҳисобланади.

Сир эмас, ҳозир, айниқса, вилоятларда китобхоннинг ғоявий, маънавий тарбиясига хизмат қилмайдиган бошқа мақсадларда чиқарилаётган китоблар ҳам учрайди. Аммо кўзи ожиз ҳамюртларимизнинг таълим тизимига янги дарсликлар киритилганича йўқ. Масаланинг яна бир оғриқли жиҳати, кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатни битирган ўқувчи учун касб-ҳунар коллежида ҳеч қандай дарслик жорий этилмаган. Яъни, у биринчи навбатда, соғлом талабалар билан ўқигани ҳолда ўзини бу муҳитда ноқулай сезади. Қолаверса, дарсликлар ва китобларнинг етишмаслиги унинг билим олишига тўсқинлик қилади. Кўзи ожиз ҳамюртларимиздан айнан бадиий асарларни ўқиш ҳақида сўраганимизда, улардан «топилганига шукур қилиб ўқиймиз», қабилидаги жавобни олдик.

Болалар ва ўсмирлар учун бўртма нуқтали ҳамда «гапирувчи» адабиётлар бармоқ билан саналарли. Ваҳоланки, ўсиб келаётган ёшларнинг маънан етук, жисмонан баркамол авлод сифатида шаклланишида бу китоблар катта аҳамиятга эга. Кўзи ожиз талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида умумий илмий адабиётлар саналмиш ўзбек тили, тарих, педагогика, фалсафа, психологияга оид бир қатор дарсликларга ҳам катта эҳтиёж бор.

Шуни мамнуният билан таъкидлашимиз лозим, ўтган йили фойдаланишга топширилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг янги биносида кўзи ожиз китобхонлар учун зарур шарт-шароит яратилди. Бу масканда улар брайль ёзувидаги китоблар билан бир қаторда махсус дастурланган компьютерлардан, принтерлардан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги буюртмасига кўра, шу йилдан Матбуот ва ахборот агентлиги тизимида брайль ёзувидаги дарсликларни чоп этиш қайта йўлга қўйилди ва 2017 йилгача шундай китобларни нашр қилиш режаси ишлаб чиқилди.

Расмий маълумотларга кўра республикамизда кўзи ожизлар учун 12 та махсус мактаб-интернат мавжуд. Табиийки, шу илм масканлари битирувчиларининг орзу-интилишлари турфа хил, хусусан, уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида ўқишга муяссар бўлмоқда. Тошкент шаҳридаги университетларда 150 нафардан ортиқ кўзи ожизлар турли ихтисосликлар бўйича таҳсил олмоқда. Улар учун ҳам брайль усулидаги дарсликларнинг етишмаслиги муаммо бўлиб турибди.

Яқинда Тошкент шаҳридаги Кўзи ожизлар мактаб-интернатида бўлганимизда мактабда умумий ҳисобда 9837 та дарслик бўлиб, шулардан кўзи ожизлар учун махсуслари 5788, умумтаълим дарсликлари 3037 тани ташкил этади. Бадиий адабиётлар сони эса 2000дан ошиқроқ. Бу яхши натижага ўхшаб кўринади, лекин баъзи бир номдаги битта дарслик тўққиз-ўн ўқувчига тўғри келишини ҳисобга олсак, муаммо борлиги ойдинлашади. Шунингдек, рус тили дарсликлари, кимё, физика, иқтисод, ҳуқуқ, миллий истиқлол ғояси китобларининг ҳам брайльчаси йўқ.

Ҳозир китобларнинг умумий сони ўрта мактаблар учун 34-44 фоизни ташкил этади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун эса деярли йўқ. Юртимизда брайль ёзувида китоб чиқариш имкониятига эга яна битта босмахона мавжуд бўлиб, у Қашқадарё вилоятида жойлашган.

Тўғри, давлатимиз томонидан жисмоний имконияти чекланган фуқароларимиз ижтимоий муҳофазасига йил сайин катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, улар меҳнат қилаётган корхоналарга ҳам қатор имтиёзлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам жисмоний имконияти чекланган, аммо у ёки бу соҳада меҳнат қилиши мумкин бўлган кишиларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бироқ кўзи ожизларни брайль ёзувидаги дарслик ва адабиётлар билан таъминлашни яхшилаш масаласини алоҳида ўрганиб, чора-тадбир кўрилиши зарур, деб ўйлаймиз.

**Маъмура ЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.**

Миллий матбуот марказида

# «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ»:

## корхоналарни модернизациялаш экспорт ҳажмини оширади

**Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Бунда чет эл корхоналари билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар улуши салмоқли бўлмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ички бозорларимизни сифатли маҳсулот билан тўлдириб қолмай, ташқи бозорга ҳам экспорт қилинмоқда.**

Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг «Енгил саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар, экспорт сиёсатини такомиллаштиришдаги устувор вазифалар» мавзуида бўлган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Анжуманда компания бошқарув раисининг ўринбосари Шамсиддин Султонов компания фаолиятининг асосий йўналишлари ҳукумат дастури ижросига қаратилгани, тармоқни ривожлантиришни стратегик йўналишлари белгилаб олингани, корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш, юқори технологияли янги корхоналар барпо этишда тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилаётгани, бу эса соҳа ривожига хизмат қилаётгани ҳақида фикр юритди.

2009-2011 йилларда тармоққа 345,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган, шу ҳисобдан 72 та корхона ишга туширилган. Бу вақт ичида маҳсулот экспорти 1,7 баробарга ортган, экспортчи корхоналар сони 180 тага етган. Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Испания, Франция, Италия, Жанубий Корея сингари мамлакатларда тақдимот маросимлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда Давлат дастури бўйича тармоқда 20 та корхона модернизация қилинади ёки бунёд этилади ва ишга туширилади. Натижада 2095 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, ўтган тўрт ой ичида 54 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиниб, 6 та янги корхона ишга туширилди, 1164 нафар ёшлар иш билан банд бўлди.

Компания бугунги кунда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатига ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда. Шу билан бирга, 2012-2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида саноат маҳсулотлари ўсиш суръатини 120 фоизга, экспорт ҳажми ўсишини 10 фоизга, ички бозор эҳтиёжини қондиришни 40 фоизга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Хориж

## 20 ФОИЗ ЭҲТИЁЖ

### қуёш энергияси ҳисобига қопланмоқда

***Қуёш энергияси экологик энг тоза энергия ҳисобланади. Шу боис ҳам кўпгина мамлакатлар атроф-муҳитга зарар етказувчи амалдаги энергия олиш усулларидан воз кечиб, муқобил энергия тизимига ўтишни афзал билмоқда. Бу борада Германия илғорлар сафида бормоқда. Ҳатто жорий йилда қуёш энергияси ишлаб чиқариш бўйича рекорд даражага эришди ҳам.***

Қуёш нурини йиғувчи энергетика қурилмалари соатига 22 гигаватт электр энергияси ишлаб чиқарган.

Мутахассисларнинг айтишларича, бу 20 та атом электр станцияси тўла қувватда ишлаганда олинадиган электр ҳажмига тенгдир.

Ҳозир ишлаб чиқарилаётган қуёш энергияси Германиянинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 20 фоизини қоплайди. Ҳукумат қуёш энергияси ишлаб чиқарувчи қурилмаларни кўпайтиришни режалаштирмоқда.



Маълумки, ўтган йили баҳорда Японияда юз берган зилзила оқибатида «Фукусима-1» АЭСида содир бўлган ҳалокатдан сўнг Германия атом электр станцияларидан воз кечганди. 2011 йилда 8 та АЭС фаолияти тўхтатилган. Қолган ўнга яқин АЭС эса 2022 йилгача ёпилади.

## БИРИГА ТАЛАБ КАМАЙСА

### иккинчисига ортади

***Замонавий технологиялар тезкор ривожланиб бораётган бугунги кунда бир турдаги маҳсулотга эҳтиёж ортаётган бўлса, ҳеч қанча вақт ўтмай унга бўлган талаб пасаймоқда. Негаки, унинг ўрнини янги технологик маҳсулот эгаллайди.***

Худди шундай вазиятни айни пайтда Япониянинг «Olympus» компаниясида кузатиш мумкин.

Гап шундаки, ушбу компания томонидан тайёрланаётган фотокамераларга бугунги кунда эҳтиёж жуда пасайиб бормоқда. Бу эса йилни катта иқтисодий зарар билан якунлашига сабаб бўлмоқда. Ҳатто заводнинг хориждаги корхоналари ҳам ўтган йилни катта зиён билан якунлаган.

Умуман, компания 2011 йилда 620 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда зарар кўрган.

Компания маъмурияти харажатларни камайтириш учун 2,5 минг иш ўрнини қисқартиришни режаламоқда.

Мазкур мамлакатнинг «Sony» компанияси эса аксинча — янги муваффақиятлар сари одимламоқда. Бунга янги яратилган «Xperia go» ва «Xperia acro S» смартфонлари сабаб бўлмоқда.

Ушбу смартфонларнинг афзаллиги шундаки, уни 1 метр сув остида ҳам ишлатиш мумкин. Яъни, унинг сенсорлари ҳўл бармоқлар ҳам сеза олади.

ИТАР-ТАСС хабар тарқатишича, маҳсулот келгуси ойдан сотувга чиқарилади.

## БИР ЙИЛЛИК АКЦИЯ

### давом этмоқда



***Табиатни муҳофаза қилиш дунёнинг кўпгина давлатларида долзарб масалага айланган. Австралияда ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўлкада дарахтлар кесилишига қарши акцияга старт берилганига ҳам анча бўлди. У йил бўйи давом этади.***

Дарахтлар кесилиши ёки шохлари синдирилишини тақиқловчи мазкур тадбирнинг ижросини таъминлашда полиция, йўл патруль хизмати ходимлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этмоқда. Улар назоратни кучайтирганлари боис ҳозирдан акция самараси кўзга ташлана бошлади.

Дарвоқе, дарахт кесган одам маъмурий жавобгарликка тортилади, яъни, катта миқдорда жарима тўлайди.

Реклама ва эълонлар

**ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!**

## ПРИГЛАШАЕМ НА КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ

**1. По объекту: «Капитальный ремонт кровли и помещений Республиканского театра юного зрителя».**

Стартовая стоимость заказчика:
— 490 644 312 сумов с учетом НДС,
— 408 870 260 сумов без учета НДС.

Источник финансирования — за счет бюджета.

Срок завершения строительства — 5 месяцев.

Заказчик: Республиканский Театр юного зрителя, по адресу: г. Ташкент ул, А.Кодири, 13.

**2. По объекту: «Капитальный ремонт кровли и системы отопления, ГВС и ХВС Узбекского Национального академический драматического театра».**

Стартовая стоимость заказчика:
— 626 106 440 сумов с учетом НДС,
— 521 755 370 сумов без учета НДС.

Источник финансирования — за счет бюджета.

Срок завершения строительства — 5 месяцев.

Заказчик: Узбекский Национальный академический драматического театра по адресу: г. Ташкент, ул, Навои, 34.

Конкурсные торги будут проводиться среди субъектов малого бизнеса.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — **ООО «Экспертлойихаконсалтинг». Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.**

Тел: 8 (371) 241-37-50, (+99897) 715-81-80

Стоимость одного комплекта конкурсных документов — сто двадцать тысяч сумов.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании заказчика.

Тошкент шаҳар Ўрта Осиё медицина педиатрия институти қошидаги медицина билим юрти томонидан 1987 йилда Шоисмоилова Муборак Шохайдаровна номига берилган Лm-1 № 067835 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

**ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

*Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги корхоналарнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:*

| Т/р | Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан | Бошланғич баҳоси Сўм ёки АҚШ долларида | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Сўм | АҚШ доллари |
| 1 | «AZIA AYS» МЧЖдаги улуш. Музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, Ширин кўчаси,7-уй | 100 | 1 | 1 628 540 000 | 924 461,15 |
| 2 | «KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри,Самарқанд кўчаси, 57-уй | 100 | 1 | 16 367 616 000 | 9 550 481,97 |
| 3 | «NAMANGAN QOG`OZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш | Наманган вилояти, Наманган шаҳри,Курувчилар кўчаси, 50-уй | 100 | 1 | 3 901 410 000 | 2 233 716,94 |
| 4 | «TOSHKENT QOG`OZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | 100 | 1 | 25 854 000 000 | 14 802 473,38 |
| 5 | «NUKUS AGRO» МЧЖдаги улуш. Томат паста ишлаб чиқариш | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Саманбай қишлоғи | 100 | 1 | 2 061 396 000 | 1 204 754,98 |

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 298010-0000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ-доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 12 июль куни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 16 июль куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади.

Таклифларни очиш вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта ғолиби деб топилади.

**Тўловларни амалга ошириш тартиби:**

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорида, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.**
**Тел: (8-371)234-11-22; 234-15-60. Факс:(8-371)234-44-38.**
**www.nbu.com.**




# КУЧЛИЛАР ТОШКЕНТДА САРАЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида самбо бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида навбатдаги Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Осиё самбо федерацияси, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика самбо федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур мусобақада дунёнинг йигирма тўрт давлатидан келган беш юз нафардан зиёд самбочи ғолиблик учун беллашдилар.**



Чемпионатнинг илк кунида катталар ўртасида кучлилар номига ойдинлик киритилди. Унда икки карра жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Шавкат Жўраев (52 кг) ўз вазн тоифасида барча учрашувларни муваффақиятли якунлаб, финалда афғонистонлик Муҳаммадсалим Хуррамийга қарши гиламга чиқди. Рақибини очколар ҳисобида катта фарқ билан енгган самбочимиз олтин медаль билан тақдирланди.

Оғир вазн тоифасидаги спортчиларимиздан бири Элдор Ғуломов (90 кг) ҳам мураббийларимиз ишончини оқлади. У беллашувларда қирғизистонлик, тожикистонлик ҳамда афғонистонлик самбочилар курагини ерга теккизиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, катталар ўртасида ўтган беллашувларда вакилларимиздан Эркин Дониёров олтин, Равшан Тўрақулов бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг хотин-қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларида ҳам мамлакатимиз самбочилари муносиб иштирок этишди. Жумладан, унда Шаҳло Йўлдошева олтин, Мадинабону Салоҳиддинова, Обида Оллодўстова, Нилуфар Давлатова кумуш, Нодира Гулова, Шоҳида Назарова, Шоҳсанам Сафарова, Элзара Умерова ҳамда Мафтуна Эсонова бронза медали билан тақдирланди.

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги учрашувлар ҳам ниҳоятда муросасиз ҳамда шиддатли кечди. Беллашувлар якунида вакилларимиздан Жаҳонгир Раупов, Нуриддин Тиловолдиев, Камолиддин Расулов, Иззат Бекматов, Раҳмон Бойтўраев шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, Жаҳонгир Раҳимов, Азамат Файзуллаев ҳамда Ойбек Қодиров бронза медалига муносиб кўрилди.

Жанговор самбо бўйича ўтган беллашувларда ҳамюртларимиздан Толмас Тўхлиев, Темур Султонов, Ислом Азимов ҳамда Истам Қудратов ғолиб бўлишди.

**(Ўз мухбиримиз).**

## Спорт

Миллионлаб футбол ишқибозлари орзиқиб кутган XIV Европа чемпионати финал босқичи учрашувларини «А» гуруҳидан жой олган Польша — Греция терма жамоалари бошлаб берди. Одатда, бу каби нуфузли мусобақалар олдидан турфа башорат ва тахминлар авжига чиқади. Бу эса баҳсларга бўлган қизиқишни янада оширади.



# БАШОРАТЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАМАЯПТИ

Варшавадаги «Миллий» стадионда кечган дастлабки учрашувда мезбонлар имконияти юқори баҳоланмаган бўлса-да, ўйинни польшаликлар ҳужумкор руҳда бошлашди. Бу 17-дақиқада ўз самарасини берди. Майдонда тиниб-тинчимас Левандовскининг аниқ зарбасидан сўнг, мезбонлар учрашувда ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Биринчи бўлим якунланишига саноқли дақиқалар қолганда грецияликларнинг етакчи ҳимоячиси Папастатопулоснинг майдондан четлатилиши кўпчиликда меҳмонлар ўйинига салбий таъсир кўрсатади, деган фикр уйғотган бўлса, ажабмас. Аммо 2004 йилги Европа чемпионлари бутун ўйин давомида чинакам ирода намойиш этдилар. Аввалига майдонда бир киши кам бўлиб ҳаракат қилишларига қарамай, 51-дақиқада ўртадаги фарқни йўққа чиқарган греклар орадан ўн етти дақиқа ўтгач, пенальти тепиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар. Агар меҳмонлар мазкур имкониятдан унумли фойдаланганида польшаликлар бир очкодан ҳам «қуруқ» қолишлари мумкин эди — 1:1.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Россия — Чехия терма жамоалари майдонга тушди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан уюшқоқлик билан ҳаракат қилган ва рақиблари дарвозасини тўрт маротаба ишғол этган Россия терма жамоаси кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Учрашув давомида Малофеев қўриқлаётган дарвозага чехияликлар атиги бир маротаба йўл топа олишди — 4:1.

XIV Европа чемпионатининг илк кутилмаган натижаси эса «В» гуруҳининг Голландия — Дания терма жамоалари учрашувида кузатилди. Гарчи, унда ўйин деярли тўлиқ «учар голландлар» устунлигида кечган бўлса-да, аниқлик бобида омад данияликларга кулиб боқди — 0:1. Ўзига хос «ўлим» гуруҳи дея эътироф этилаётган ушбу «квартет»нинг иккинчи жуфтлигида Германия футболчилари катта қийинчилик билан португалияликлар устидан кичик ҳисобда ғалаба қозонишди — 1:0.

«С» гуруҳида амалдаги Европа чемпиони — Испания терма жамоаси дастлабки турда италияликларга қарши тўп сурди. Унда ҳам кутилмаган натижа қайд қилинди. Аввалига италияликлар ҳужумчиси ди Натали ҳисобни очган бўлса, сўнгра Сеск Фабригас ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1. Гуруҳдаги иккинчи ўйин: Ирландия — Хорватия — 1:3.

Кеча эса гуруҳ босқичининг дастлабки тур баҳслари поёнига етди. Унда «D» гуруҳи жамоалари майдонга тушдилар: Франция — Англия — 1:1, Украина — Швеция.

Бугун «А» гуруҳи жамоалари иккинчи тур ўйинларини бошлаб беришади. Мухлислар унда Греция — Чехия, Польша — Россия терма жамоалари учрашувининг гувоҳи бўлишади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ТОШКЕНТ

«Universal Auktsion Invest» масъулияти чекланган жамияти томонидан очиқ аукцион савдоларига қўйилган «Turkiston-madad-servis» давлат унитар корхонасига қарашли автотранспорт воситалари бўйича «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 18 февралдаги № 21 (31.453)-сонида чоп этилган эълондаги такрорий савдо кунлари қуйидаги таҳрирда ўқилсин: такрорий савдо кунлари 26 март, 2, 9 апрель кунлари соат 15.00 да.


## Ҳозирги ёшлар

Саҳнада «Айқулаш жулдузлари» Қорақалпоқ миллий фольклор ансамбли раққослари «Чавандозлар», «Орол йигитлари» каби рақсларни катта завқ-шавқ ва маҳорат билан ижро этишганда барча ҳайратга тушади, тасаннолар айтади.



# ЭГИЗАК САНЪАТКОРЛАР

Қорақалпоқ гўзал санъати ва маданияти намуналарини асраб-авайлаб келаётган ва уларни халқимизга бор таровати билан тақдим этаётган раққослар орасида эгизаклар Омон ва Эсен Рейимбергеновлар ҳам бор. Мустақиллик тенгдоши бўлган эгизакларга бу санъатга меҳр шу ансамблда узоқ йиллар раққос бўлиб фаолият кўрсатган отаси Жолдасбой Ешимбетовдан ўтган. Ота фарзандларини болалигидан санъатга муҳаббат руҳида тарбиялади, рақс сирларини ўргатиб борди. Уларнинг маҳоратини ошириш мақсадида Нукус маданият ва санъат коллежининг хореография бўлимига ўқишга берди.

— Коллежда Юсуф Абипов, Есназар Халмуратов, Ҳабиб Шарипов каби устозларимиз рақс усулларини чуқур ўргатишгани ансамблга келганимизда жуда қўл келди, — дейди эгизаклар. — Ансамблнинг оммавий рақсларини ўрганишимиз осон бўлди. Жамоамиз билан Тошкент, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида бўлган байрам концертларида халқимизга санъатимизни намойиш этдик. Яқинда бўлган «Асрлар садоси» фестивали гала-концертида қатнашдик. Ҳозирги кунда устозларимиз кўмагида яккахон рақсларимизни ҳам саҳналаштираяпмиз.

— Уларни ансамблга келган кундан бошлаб кузатиб келаман. Истеъдодли ва меҳнатсевар бу ёшлар ансамбль репертуарини тўла ўзлаштириб олишди. Уларнинг интилишларига қараб, келажакда хореография соҳасида катта ютуқларга эришишига ишонаман, — дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Пўлат Медреймов.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# «ЎҚИШГА КИРИТИБ ҚЎЯМАН...»

*деб одамларни чув туширмоқчи бўлган фирибгар ҳақида*

**Фирибгарлар устаси фаранг бўлади, одатда бирон-бир муаммога дуч келган одамни тезда илғайди. Айтайлик, машина ололмай юрган, ўқишга кириш ниятида ҳужжат топширмоқчи бўлган ёки чет элда ишламоқчи бўлганга дарҳол яқинлашиб, ўзини ҳар ишга қодир одам қилиб кўрсатади. Баъзи кишилар уларнинг гапига лаққа тушади. Шу билан фирибгар тегирмонига сув қуяётганини билмайди. Қуйидаги воқеа бошқаларга ҳам сабоқ бўлса ажабмас.**

2011 йилнинг худди ҳозиргидек айни ёз кунлари. Ёшларнинг кўпи олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топшираяпти. Муҳаббат Музаффарова Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўттиз ёшлардаги Марат Мусаев (исм-шарифи ўзгартирилган) билан танишиб қолди.

— Шу институтда ишлайман, — деди Мусаев. — Ўқишга кимингиз кираяпти?

— Жияним.

Қарши туманида туғилган Марат Мусаев 2006 йил ирригация ва мелиорация институтини тугатган бўлса-да, ҳеч қаерда ишламасди. Бирорта лақмани учратиб, тузоққа илинтириш мақсадида институт атрофида айланишиб юрган эди. Буни қарангки, бахтига қаршисидан Чироқчи туманидан бўлган Муҳаббат Музаффарова чиқиб турибди.

Марат Мусаев дадил гапирди:

— Агар менинг айтганимни олиб келсангиз, жиянингизни ўзим ўқишга киритиб қўяман.

— Қанча бериш керак?...

— 4 минг доллар, — деди Марат Мусаев.

Муҳаббат Музаффарова ўйланиб қолди. Ўйлай-ўйлай, ахийри тўғри қарорга келди. Жиянини институтга ўқишга киритиб қўйиш учун Марат Мусаев деган ўқитувчи 4 минг АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилаётганини билдириб, тегишли жойга ариза ёзди. Унинг аризасини текшириб кўриш учун тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилди. Шундан сўнг Муҳаббат Музаффарова «домла»га телефон қилиб, сўраган нарсасини бермоқчи эканлигини билдирди.

— Яхши, — деди Марат Мусаев, — Чилонзордаги автостанцияга боринг, ўша ерда кўришамиз.

Муҳаббат Музаффарова айтилган манзилга етиб борди. «Домла»ни ярим соат кутишга тўғри келди.

— Мана, 3000 доллар. Қолганига кучим етмади...

Марат Мусаев «топиб олсанг ҳам санаб ол», деган нақлга амал қилиб, кимёвий ишлов берилган АҚШ долларини бирма-бир санади... Ва фирибгарнинг қувончи узоққа чўзилмади.

Ҳеч қаерда ишламай мўмай пул топиш илинжида юрган бу кимса қаттиқ адашди. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди фирибгарнинг «фаолияти»га қонуний баҳо берди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО 12-13 – 06. 2012

| Юртимиз бўйлаб (°C) | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +18 / +23 | +32 / +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +18 / +23 | +32 / +37 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 | +30 / +35 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +18 / +23 | +32 / +37 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +15 / +20 | +29 / +34 |
| Тошкент шаҳри | +16 / +18 | +30 / +32 |

| Дунё бўйлаб (°C) | |
|---|---|
| Лондон | +10 / +10 |
| Париж | +12 / +11 |
| Москва | +17 / +15 |
| Мадрид | +13 / +13 |
| Пекин | +18 / +17 |
| Гонгконг | +26 / +25 |
| Рим | +19 / +16 |
| Афина | +21 / +22 |
| Токио | +17 / +18 |
| Стокгольм | +9 / +10 |
| Кейптаун | +11 / +10 |
| Қоҳира | +30 / +32 |
| Гавана | +25 / +25 |
| Вашингтон | +22 / +20 |


MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646
17088 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5